# ДЕҲҚОН КЎНГЛИ ЧОҒ БЎЛДИ

(Боши 1-бетда)

Нормурод Пирназаров, Учқун Эшнаев, Мажид Ҳазратқулов, Юсуф Норов бошлиқ оилавий пудратчилар 66-70 центнердан хирмон кўтарди. Шартнома режасидан ортиқча ҳосил ижарачиларга тарқатилди.

- Президентимизнинг тупроқ унумдорлигини, мелиорация, ирригация, агротехника тадбирлари самарадорлигини ошириш хусусидаги маслаҳатлари кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди, - дейди ширкат хўжалиги раиси Қовмиддин Расулов. - Эндиликда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ҳар туп ғўзани қалб қўри, меҳр зиёси билан парваришлаяпмиз.

- Энг муҳими, одамларнинг, биринчи навбатда деҳқоннинг ерга, ўз меҳнатининг натижасига бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда, - дедилар юртбошимиз мулоқот чоғида. - Қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш улкан самара бермоқда.

Тумандаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги ривожланишининг ойдин йўлига ўтиб олган. Жамоада ўтган йили 6 минг тоннага яқин пахта тайёрланиб, ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнерга етказилди. Юсуф Қосимов, Шуҳрат Ҳамроев, Олим Иброҳимов каби ўнлаб оилавий пудратчиларнинг фидойи меҳнати туфайли бултур пахтачиликнинг ўзидан келган соф фойда 248 миллион сўмни ташкил этди.

Ғаллакорлар давлат омборларига 5 минг тоннадан ортиқ сара дон топширдилар. Умумий ҳосилдорлик 50 центнердан ошиб тушди. Абдурайим Ёқубов, Шокир Эминов, Шоҳид Хушнаев сингари оилавий пудратчилар ҳосилдорликни гектар бошига 70 центнерга етказишди. Бу йил пахта, ғалла ва бошқа тармоқлардан 1,6 миллиард сўм даромад олиш режалаштирилган.

Даромадга қараб буромад, дейдилар. Ишлаб чиқаришдан келган фойда қишлоқларни ободонлаштириш, маданий-маърифий иншоотлар қуриш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга сарфланаяпти. Янги қишлоқ врачлик пункти, 120 ўринли мактаб ишга туширилди, боғчалар таъмирланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга 10 тоннадан зиёд дон тарқатилди.

Ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Суюн Абдиевнинг айтишича, моддий манфаатдорлик ошганлиги туфайли одамлар янги уй-жойлар қурмоқда, тўй-томошалар ўтказаяпти.

Ширкат вакиллари билан учрашувда қишлоқ хўжалигидаги долзарб вазифалар ҳақида сўз борди. Деҳқон ҳисоб-китобни пишиқ-пухта қилиб ишласа ютади. Давлатимиз раҳбари пахтанинг навига алоҳида эътибор бериш кераклигини уқтирдилар. Ҳақиқатан ҳам хўжаликнинг 1570 гектарлик майдонида эртаги ва сифатли ҳосил етиштирилаяпти.

Қарши - вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятли туманларидан. Жорий йилда 50 минг тоннадан зиёд ғалла етиштирган миришкорлар хирмонига ўндан ортиқ ширкатлар, 243 та фермер, 391 нафар оилавий пудратчи баракали ҳисса қўшди. «Зайнаб биби» фермер хўжалиги гектаридан - 78, «Истиқбол» ширкат хўжалигининг Насим Примов бошлиқ оилавий пудратчиси 77 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Айни пайтда бутун куч ва имкониятлар 50 минг тонналик пахта хирмонига пухта замин яратишга қаратилган.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси Қ.Амирқуловнинг таъкидлашича, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 200 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Муҳтож кишиларга 5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш 84, табиий газ таъминоти 88 фоизга етди.

Қарши шаҳридаги сержантлар мактабида ҳар томонлама чиниққан, ҳарбий билимларни амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бора оладиган, жисмонан ва руҳан соғлом ёшлар камол топмоқда. Армиямизнинг таянчи ва ишончи ҳисобланган сержантларга яратиб берилган шароитни янада яхшилаш лозимлигига эътибор қаратилди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва мева етиштириш бўйича кўп йиллик тажриба тўпланган. Болта Фозилов номли ширкат хўжалиги пахтакорлари билан бўлиб ўтган мулоқотда чек усулини кенг жорий этиш, кекса пахтакорларнинг тажрибаларини оммалаштириш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

Тумандаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида пахтанинг «С-65» нави ўстирилаяпти. Ғўзанинг мўътадил ривожланишида серҳосил маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланиб, экин агротехника талаблари асосида парвариш қилинганлиги туфайли муваффақиятга эришилди.

Хуллас, юртбошимиз ташрифидан илҳомланган қашқадарёликлар кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Давлатга 365 минг тонна сара дон топширилиб, шартномавий режа ошириб уддаланди. Эндиги вазифа иқтисодиётнинг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликда кескин бурилиш ясаш, вилоятнинг 410 минг тонналик юксак «оқ олтин» хирмонини бунёд этишдан иборат. Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар халқ турмуш фаровонлиги, яшаш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





Шаҳрисабз шаҳрига кириб боришингиз билан бир-биридан чиройли, бежирим иморатларга кўзингиз тушади. Мустақилликнинг 12 йиллиги олдидан барпо этилаётган шаҳардаги спорт мажмуаси қурилишида ҳам бунёдкорлар улкан ишларни амалга оширмоқдалар. Шаҳрисабз норуда материаллари корхонаси очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоасининг ўрни беқиёс.

Маълумки, ҳар бино қурилишида аввало, унга мустаҳкам пойдевор қўйилади. Бу албатта тош, қум ҳамда цемент қоришмалари билан мустаҳкамланади. Тош дастлаб дарёдан қазиб олинади. Хомашё улкан машиналар ёрдамида корхона цехларига ташилиб, бу ерда сараланади. Вагонларга юклаб истеъмолчиларга жўнатилади. Ана шу жараён ҳар куни узлуксиз давом этиб, юртимизда бунёдкорлик ва ободончилик ишларида мазкур жамоа ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**
***Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар***

# ИШЛАГАН ОДАМ

## меҳнатига яраша фойда олсин

***Президентимиз вилоятимизга сафари чоғида қишлоқ меҳнаткашларининг яшаш тарзи, турмуши, яратилган шароитлар билан танишдилар. Фаоллар билан бўлиб ўтган учрашувда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, уларнинг натижалари, вилоят меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифаларга батафсил тўхталди.***

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят иқтисодида чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, ялпи ички маҳсулот бултургига нисбатан 2,9, саноат маҳсулотлари 22,5, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,8 фоизга ўсди.

Ўзлаштирилган капитал маблағларнинг 22 фоизи хорижий сармоялар ҳиссасига тўғри келди. Корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 81 миллиард сўмни ташкил этди. Вилоятда 7 та янги қўшма корхона ишга туширилди. Шўртангаз-конденцат конида юқори босим берувчи компрессор станцияси қурилиши ниҳоясига етказилди.

Барқарор иқтисодий ривожланиш билан бирга ижтимоий юксалиш, халқ турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда. Ўтган давр ичида 10 та қишлоқ врачлик пункти, 930 ўринли мактаб, 1 та касб-ҳунар коллежи, 208 километр газ, 106 километр сув қувурлари фойдаланишга топширилди. 18 та қишлоқ газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Воҳа ғаллакорлари 365 минг тонна донни йиғиштириб олиб, шартнома режасини ошириб бажардилар. Ҳар гектар майдондан 45 центнердан ҳосил олинди. Вилоятда ялпи хирмонни 700 минг тоннага, фойдани 9,3 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллик байрамини ўтказиш бўйича тегишли маънавий-маданий, маърифий тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда. Қутлуғ айём арафасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар аҳволидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Меҳрибонлик ва саховат уйларида яшовчилар йўқланади.

Бу борада «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз» жамғармалари, Қизил Ярим Ой ва Ногиронлар жамиятлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биргина касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга 21 миллион 348 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Жисмоний тарбия ва спортга 59 миллион 390 минг, маданий-оммавий ишларга 120 миллион сўм маблағ сарфланди. «Обод маҳалла йили» дастури асосида 200 нафар меҳнат фахрийси ва уруш қатнашчиларининг санаторийларда касаба уюшмалари ҳисобидан дам олиши таъминланди.

Кенгаш томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг кам таъминланган қисмини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширияпти. Ижтимоий шерикчилик тамойилига кўра иш берувчилар билан ходимлар ўртасида меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга доир муносабатларни тартибга солиш юзасидан юридик шахс мақомини олган корхоналарда жамоа шартномалари, тармоқ қўмиталари билан хўжалик органлари ўртасида жамоа келишувлари қабул қилиниб, 522 минг нафардан ортиқ ишловчиларнинг манфаатлари қамраб олинди. 27633 та иш янги иш ўринлари барпо этилди. Шунинг 25 мингтаси қишлоқ жойларига тўғри келади. Шаҳар ва туман меҳнат бўлимлари билан биргаликда 51 марта «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари уюштирилиб, 12 мингга яқин фуқаро ишга жойлаштирилди.

Меҳнат аҳлига ғамхўрлик – асосий вазифа. Ўтган даврда мингдан ортиқ ходимлар санаторий ва профилакторийларда даволандилар. Мавжуд 22 та болалар оромгоҳларида 21 мингдан зиёд ўғил-қизлар ҳордиқ чиқаришди.

Меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳит мусаффолигини таъминлаш масалалари юзасидан жамоа келишувларига киритилган вазифаларнинг ижроси қатъий назоратда. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат Кодекси талаблари асосида иш жойларининг техник ва экологик жиҳатдан хавфсиз бўлиши, етарли шарт-шароитлар яратилиши, ходимларнинг махсус кийим-кечак ва бошқа ҳимоя воситалари, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланиши доимий эътиборда. Меҳнат техник назоратчилари томонидан ўтказилган текширишлар оқибатида амалдаги меъёрларга жавоб бермаганлиги учун 18 та дастгоҳ ва ускуна, 6 та ишлаб чиқариш цехлари тўхтатиб қўйилди.

Ёш авлодни соғлом ва эркин фикрли, баркамол инсон қилиб вояга етказиш устувор йўналиш ҳисобланади. Мавжуд кўнгилли жамиятлар, болалар ва ўсмирлар, спорт мактабларида 10 минг нафардан ортиқ йигит-қизлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар. 3128 нафар вояга етмаган ёшлар соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланишяпти.




Ўзбекистон касаба уюшмалари III қурултойи қарорлари ва Ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда Устав талаблари асосида мавжуд тизимни такомиллаштириш, касаба уюшма сафларини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, тарбиялаш, фаолларни ўқитиш ва малакасини ошириш, бошланғич ташкилотларга амалий – услубий ёрдам кўрсатиш сифати анча яхшиланди.

Сафларимиз ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Касаба уюшмаларига аъзолик афзалликларини асослаш учун маҳаллий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиляпти, меҳнат жамоаларида тарғибот-ташвиқот ишлари, мулоқот ва учрашувлар ўтказиляпти.

Таълим ва фан, автотранспорт ва йўл хўжалиги, агросаноат мажмуи, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмиталарининг саъй-ҳаракати туфайли Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши қатъий назоратга олиниб, маошлардан қарздорлик бир мунча камайтирилди.

Улуғ айёмни юқори савияда ўтказиш мақсадида бадиий ва мусиқали асарлар сценарийси, замонавий эстрада қўшиқлари, фольклор-этнографик жамоалар кўрик-танловлари эълон қилинган. Мактаблар, ўрта-махсус таълим муассасалари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари иштирокида «Ёшлар ва давр», «Келажак – менинг тақдиримда», «Биз мустақил мамлакатнинг мустақил фикрловчи ёшларимиз» каби мавзуларда мулоқотлар, давра суҳбатлари уюштириляпти.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган рус, корейс, татар, араб миллий-маданий марказларининг ўзаро ҳамкорлигида «Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз», «Ўзбекистон – бизнинг тарихий ватанимиз», «дўстлик улуғ қадрият» мавзуларида тантанали кечалар ўтказиляпти. Барча шаҳар ва туманларда ўтказилган «Истиқлолим – истиқболим» мавзуидаги маданий-маърифий тадбирлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**Эсонбой РАЖАБОВ,**
**Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгашининг раиси**

Бундан бир неча йил илгари вилоятда биринчилар қаторида қурилиш учун хомашё тайёрлайдиган хусусий корхонани очган эдик. Йиллар ўтиши билан хизмат кўрсатиш доираси кенгайиб, меҳнаткашлар сони кўпайди. Айни пайтда жамоамизда 120 нафар юқори малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилишмоқда. Мавжуд 5 та ишлаб чиқариш цехи замонавий технологик воситалар билан жиҳозланган. Айни чоғда бу ерда 20 хилдаги ғовакли плита материаллари, 30 хилдаги норуда материаллари ишлаб чиқарилятпи.

## ХУСУСИЙ КОРХОНА АФЗАЛЛИГИ

Бошқача айтганда корхонада иморатнинг пойдеворидан тортиб устини ёпишгача бўлган жараён учун етадиган маҳсулотлар тайёрланмоқда. Сифат ва суръат учун кураш қатъий шиоримиз. Йил давомида 15 минг квадрат метр темир-бетон, 100 минг квадрат метр норуда материаллар ишлаб чиқарилади. Бир ойда 35 миллион сўмлик тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бераяпмиз.

Яккабоғ, Шаҳрисабз пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар қурилишида корхонамиз маҳсулотлари ишлатилмоқда.

Корхонамизда ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Маош вақтида тарқатилмоқда. Оғир шароитларда ишлаётганларга сут-қатиқ маҳсулотлари бериб борилади.

Хуллас, бозор инфратузилмаси талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий хомашёдан юқори сифатли бинокорлик материаллари тайёрлаяпмиз.

**Ҳусниддин ЗАЙНИДДИНОВ,**
**Шаҳрисабз тумани Мироқи қўрғонидаги «Ҳумо» хусусий корхонаси бошлиғи**

# ТОВОН УНДИРИЛДИ

***Халқимизда: Йўл қурган муродига етади, – деган нақл бор. Бошқармамиз жамоаси йўл ва йўл иншоотларини сифатли таъмирлаш, йўловчи ва юк ташиш машиналари ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Тасарруфимиздаги 107 километр халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 28 километрли йўлларнинг 61 километри қайта таъмирлаб чиқилди. Қарши шаҳри кўчаларининг 14 километри ободонлаштирилди.***

Жорий йилнинг ўтган ойларида 202 миллион сўмлик иш бажарилди. Техника ва транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги ошди.

Йўлсозлар юмуши қийин ва машаққатли. Шу боисдан маъмурият билан тузилган жамоа шартномасига мувофиқ ходимлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Касаба уюшма аралашуви билан бахтсиз ҳодисага йўлиққан А.Умрзоқов оиласига 1 миллион сўм товон пули тўланди.

Олинган соф фойда ҳисобидан ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларга 4 миллион 874 минг сўмлик мукофот пули берилди. Улар 695 минг сўмлик газета-журналларга бепул обуна қилинди. Ходимларнинг олий ўқув юртларида билим олаётган фарзандларига шартнома тўловлари ўтказиб берилди. Ишловчиларга ҳар ойда 8 минг сўмдан овқат пули, 4,5 минг сўмдан йўл ҳақи тўланяпти. Вақти-вақти билан махсус кийим-бош бериб борилмоқда.

Меҳнатда ўрнак кўрсатган ишчилардан Ҳасан Панжиев рангли телевизор, Сайфулла Худойбердиев, Икром Қурбонов, Иброҳим Эргашев, Норча Эшимовалар гилам билан мукофотландилар.

Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг уставида кўрсатилганидек, иш билан таъминлаш, ҳақ тўлаш, меҳнат ва дам олишни ташкил этиш, шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш муҳим вазифа ҳисобланади. Қўмитамиз аъзоларига нисбатан корхона раҳбарияти билан ҳамкорликда жамоа шартномасида кўрсатилган барча имтиёз ва кафолатларнинг бажарилиши таъминланмоқда.

**Акбар УМИДОВ,**
**Қарши автомобил йўллардан фойдаланиш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир*

# ҚИШЛОҚ ОИЛАЛАРИ

## турмуш тарзи ўрганилди

***Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз кўрсатиб ўтганидек, энг муҳими одамларнинг, биринчи навбатда деҳқонларнинг ерга, ўз меҳнатининг натижасига бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда.***

Қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш ижобий самара бераётганлигини хўжалигимиз мисолида кўриш мумкин. Иқтисодий ислоҳотлар дадиллик билан амалга оширилаётганлиги туфайли кейинги уч йил ичида суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги 2,5 бобарбарга ортди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Одамларнинг меҳнатга ва ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар учун қулай иш шароити яратишга алоҳида эътибор бераяпти.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндошмоқда.

Мулкчиликнинг ширкат усулига ўтиб ишлаётган хўжалигимиз ҳудудида 12 та катта-кичик қишлоқлар мавжуд. 1755 оилада 8 минг нафар дан ортиқ киши яшайди. Улардан 115 нафари фахрийлар, 9 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 37 таси ёрдамга муҳтож оилалардир.

Жорий йилда 880 гектар майдондаги ғалладан 5 минг тоннадан ортиқ хирмон кўтарилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 60 центнерга етказилди. Ғаллачиликдан олинган соф фойда 80 миллион сўмни ташкил этади. Бунинг эвазига ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 15 тонна дон тарқатилди.

«Тер тўкиб сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ», деб бежиз айтишмаган. Қаерда деҳқон меҳнати қадрланса, ўша ерда моддий манфаатдорлик ошади, турмуш фаровонлиги яхшиланади.

Хўжалигимизнинг Дилмурод Омонов бошлиқ ишчилари 27 гектар майдондан 189 тонна ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 70 центнердан ошиб кетди. Ижара пудратига ғаллачиликнинг ўзидан 13 миллион 230 минг сўм даромад олинди. Шундан 4 миллион 170 минг сўми соф фойдадир. Фойдалик даражаси 46 фоизга тўғри келди. Режадан ташқари олинган ҳосилдан 27 тоннаси ишчиларга берилди.

Ғалла ҳосилдорлигини гектарига 75 центнерга етказган Носим Примовнинг ижара пудрати аъзоларига 22,5 тонна дон тарқатилди. Отабек Баратов, Нарзи Холбоев каби ижарачилар ҳам меҳнат унумдорлигини кўтариб, оила бюджетини янада мустаҳкамлашга эришдилар.

990 гектар майдонда ғўза ўстираётган пахтакорларимиз ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун кураш олиб бораяптилар. Далада ишлаётганлар йўлида ҳамма қулайликлар яратилган. Хўжалик ҳисобидан бепул тушлик тарқатиляпти. Машина—трактор паркида техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилинаяпти.

Жамоамизда 1200 дан ортиқ касаба уюшмалари аъзолари бор. Фуқароларнинг меҳнат, дам олиш ва бошқа ҳуқуқларини муҳофазалаш доимий эътиборда. Кўп болали аёллар, нафақадаги фахрийлар хўжалик ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиб борилаяпти.

Қишлоқ хўжалигида ишлаётган ҳар бир кишининг фидойи меҳнати қадрланиши керак. Ҳамма томорқалардан 258 миллион сўм соф фойда олинганлиги ва унинг бир қисмини қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, мактабларни таъмирлаш, йўллар қуриш ва бошқа юмушларга сарфлаш имконини берди. Ижарачиларга 21 миллион сўмлик маблағ дивидент сифатида тарқатилди.

Хўжалик бошқаруви кенгаши ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузилган. Яқинда шартнома бандларининг бажарилиши кенг таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга келишиб олинди. Хўжалик раҳбари Камол Равшанов, «Талliқурон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Худойқул Худойбердиев ва бошқа фаоллар асосий эътиборни дала меҳнаткашлари ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

**Абдуназар ЭШМОНОВ,**
**Қарши туманидаги «Истиқбол» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг раиси**

**Саҳифани тайёрловчи:**
**Иззат ҲИКМАТ, «Ишонч» мухбири**

# КАТТА ТЎЙГА МУНОСИБ СОВҒА

Наманганда ўн олти гектар майдонни эгаллаган ўнга яқин маданий, спорт ва кўнгил очар объектига эга ёшлар спорт мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

- Ушбу мажмуа қурилишининг бош пудратчилари ҳисобланган Наманганда 10-сонли қурилиш-монтаж бошқармаси, «Ижтимоийқурилиш», «Агросаноатқурилиш», «Таълимқурилиш» акционерлик қурилиш корхоналари ва вилоятнинг бошқа ташкилотлари томонидан бир ярим йил ичида қарийб 3,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, - дейди қурилиш штаби бошлиғи Х.Тожибоев. - Мазкур ижтимоий объектни барпо этишда вилоятдаги 60 дан ортиқ саноат ва қишлоқ хўжалиги корхонаси, ўнлаб коллеж ҳамда олий ўқув юрти иштирок этди.

Ёшлар спорт мажмуининг очилиши Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлди. Ўзига хос маданият, спорт ва истироҳат боғи Шарқ ва Ғарб меъморчилиги элементларини ўзида мужассам этган ёшлар шаҳарчасини эслатади. Асосий кириш жойи мажмуанинг бош майдони - уч ярим минг томошабин сиғадиган амфитеатрга олиб боради. Синиқ доира шаклида қурилган кўп қаватли томошабинлар ўтирадиган қаторлар қарийб икки гектардан иборат кўл қирғоғига қараган. Бу ерда томошабин олдида ажойиб манзара пайдо бўлади. Чироқлар нурлари ёритиб турадиган сув юзасида фавворалар жилваланади. Қарама-қарши қирғоқда гулларга бурканган яшил тепалик бор, марказида эса тошлар орасидан тоғ жилғаси оқиб турибди. Бу ердаги кўнгил очар боғда сув ҳавзалари денгиз тўлқинини ҳосил қиладиган сув насоси ускуналари билан жиҳозланган. Спорт мажмуи объектлари орасида замонавий гимнастика зали, теннис корти, мини-футбол майдончаси бор.

Ушбу мажмуа қурилиши туфайли Амир Тимур кўчаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Машиналар қатнайдиган йўл анча кенгайтирилиб, йўл ёқасидаги уйлар, мактаб, муассасалар таъмирланди.

- Спорт мажмуида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилган, - дейди Наманган вилояти бош меъмори ўринбосари О.Қодиров. - Юртбошимиз яқинда вилоятимизга келганларида ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, бир қанча фойдали маслаҳатлар бердилар. Хусусан, Президент ландшафт меъморчилиги қонунларига амал қилиш, кўкаламзорлаштиришда турли хил субтропик ўсимликлардан фойдаланиш кераклигини қайд этдилар. Бугунги кунда меъморлар ва боғбонлар бу борада жадал ишларни олиб бормоқда. Бунинг учун бу боғга экиладиган манзарали дарахт турлари танлаб олинди.

Мажмуанинг тантанали очилиш маросими вилоят ғаллакорларининг ҳосил байрамига тўғри келди. Бу йил улар хирмонга 380 минг тоннадан зиёд ғалла топширди. Вилоят ҳокими Т.Жабборов Наманган аҳлини мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 12 йиллиги, ғаллакорларнинг меҳнат зафари ва ёшлар мажмуининг очилиши билан табриклади. Ғалла ўрим-йиғими мавсумининг энг фаол иштирокчиларига, мажмуани барпо этган илғор қурилиш жамоаларига қимматли совғалар топширилди.

(ЎзА)

